

RESEARCH ON THE DEVELOPMENT OF MUMMY GLASS TECHNOLOGY

Teshaeva F, Ernazarov AM, Elmuradov DT

Tashkent Pharmaceutical Institute, Tashkent, Republic of Uzbekistan

Relevance.

From ancient times the mummies have been used by people for their healing properties. Mummy has been widely used in Oriental medicine for many years as a remedy. It is widely used in countries such as Iran, Afghanistan, Arabia, Central Asia, India, China, Vietnam and Pakistan.

Keywords:

Mummy, hydrophobic, hydrophilic, lipophilic, vaseline, starch, UMB, production, centrifuge.

МУМИЁ СУРТМАСИНИ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БОРАСИДА ТАДҚИҚОТЛАР ОЛИБ БОРИШ

Тешаева Ф. , Эрнazarов А.М., Эльмурaдов Д.Т.

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси

Таянч сўзлар:

мумиё, гидрофоб, гидрофил, липофил, вазилён, крахмал, ЮМБ, ишлаб чиқариш, центрифуга.

Долзарблиги.

Мумиёни қадим зомонлардан бери инсонлар шифобахш хусиётларидан фойдаланиб келмоқда. Мумиё даволаш воситаси сифатида узоқ йиллардан бери Шарқ тиббиётида кенг қўлланиб келган. Эрон, Афғонистон, Арабистон, Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Хитой, Вьетнам, Покистон каби мамлакатларда кенг фойдаланилган.

Ўрта асрнинг таниқли шифокари Абу Али ибн Сино мумиёдан яллиғланиш ва бошқа куплаб касалликларни даволашда фойдаланилган. Унинг адабиётларда келтирилган маълумотларига қараганда мумиё кўп гина касалликлардан кенг қўлланилган. Мумиё туйғуларни ўткирлаштириб қолмай, ошқозан фаолиятини мустаҳкамлашда, нафас олишни енгиллаштиришда, суяк битиш, асаб фалажи, каттиқ бош оғриғи ва бош айланиши, тери йиринг, йўтал, юрак қон томирларининг уриши, тери касалликларни даволашда шифобахш хусусиятларига эга. Бугунги кунда фармацевтлар олдида қўйилган вазифалардан бири, маҳаллий корхоналарда суртма дори шаклларни ишлаб чиқаришга қизиқиш уйғотмоқда.

Суртма дори шакллари тери касалликларни ва юмшоқ тўқималарни даволашда кенг қўлланилиб келмоқда. Суртма дори шакллари терига таъсир жараёнида терини юмшотувчи, химоя қилувчи ҳамда терини юмшатиб асос таркибидаги таъсир этувчи моддани теридан ўтказиб терапевтик самародорлигини намён қилади. Суртма дори шакллари ташқи кўриниш жихатидан бир хил гомоген хусусиятлари билан, бошқа дориларга нисбатан алохида хусусиятга эга.

Мақсад. Суртма дори шакллари маҳаллий қўлланиладиган, сиртга ва юмшоқ тўқималарни даволашда ишлатилади. Тери ва тери йирингли, юмшоқ тўқима касалликларни даволашда қўлланиладиган таркибида, тоза мумиё сақловчи суртма дори шакллари технологиясини ишлаб чиқишда, мақсадга мувофиқ суртма асосларни танлаш.

Усул ва услублар. Суртма дори шакллари терига таъсир жараёнида терини юмшотувчи, химоя қилувчи ҳамда терини юмшатиб асос таркибидаги таъсир этувчи моддани теридан ўтказиб терапевтик самародорлигини намён қилади. Суртма дори шакллари ташқи кўриниш жихатидан бир хил гомоген хусусиятлари билан, бошқа дориларга нисбатан алохида хусусиятга эга. Суртма дори шакллари асосан ёрдамчи ва таъсир этувчи моддалар муажмуасидир. Суртма дори шакллари технологиясини яратишда, ҳозирги вақтида суртма асослари кенг қўлланиб келмоқда. Ёрдамчи асосларни бажарадиган вазифаларига қараб қуйдаги синфларга ва хусусиятларга эга. Суртма дориларни ишлаб чиқишда асосни ҳосил қилувчилар, гидрофил асос, липофил асос, юқори ҳараоратда қовушқоқлигини оширувчилар, гидрофоб эритувчилар, сувли ва гидрофоб эритувчилар, эмульгаторлар, мумлар, углеводлар, силиконлар ва гел ҳосил қилувчиларга бўлинади.

Мумиё сақловчи суртма дори шаклини яратиш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мумиё қора жигар рангли модда, сувда яхши эрийди спирт ва эфирда ёмон эрийди, эрувчанлик температураси 180 - 190 градус. Ёрдамчи моддалардан вазилен оқ рангли, ўзига хос хидга эга, сувда эримайди. Вазиленин эрувчанлик температураси 37-50 градус. Ланолин оқ сарғич рангли ўзига хос хидга эга бўлиб эрувчанлик температураси 36 -42 градусни ташкил этади.

Маълумки суртма дори шакллари тайёрлашда ишлатилладиган таъсир этувчи модда ва асослар турли хоссаларни намаён қилади. Суртма дори шакллари тайёрлашда турли мураккаб таркиблар нисбатларда аралаштирилганда технологик кўрсаткичлар ҳар тамонлама ўзгариши мумкин.

Натижалар. Мумиё суртма дори шаклини тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишда асосларни танлаб олиш. Асосларни тайёрлашда асосан уларни физик –кимёвий хоссаларига, нейтрал ҳолатига, енгил суртилишига консистенциясига, безаралигига, биологик чидамлилигига эътибор бериш лозим.

Мумиё суртма дори дори шаклини тайёрлашда гидрофоб, гидрофил ва липофил асослар тайёрлаб олинди. Вазилен, парафин, вазилен мойи, чўчка ёғи, пахта ёғи, ланолин, мум, аэросил, желатин, крахмал, целлюлоза ҳосилалари каби

ёрдамчи моддалардан суртма асослари тайёрланиб олинди ва уларни физ – кимёвий хоссалари ўрганиб чиқилди. Суртмани ташқи кўриниши органолептик усулда, чинлиги биофаол моддага хос сифат реакцияси асосида, заррача ўлчами ва рН кўрсаткичи ва турғунлиги илмий тадқиқот асосида ўрганиб чиқилди.

Хулосалар. Шундай қилиб мумиё суртмасини технологиясини ишлаб яратишда олинган асосларнинг хоссаларидан келиб чиқан ҳолатда мумиё суртмасини асос ва таркибини танлашда гидрофоб, гидрофил асослар мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шодиева Н.Б., Юнусова Х.М. // Педиатрия амалиётида ишлатилишга мўлжалланган “Гранпир” ва “Цингар” гранулаларини яратиш борасидаги тадқиқотлар // Фармацевтика журнали. - Тошкент – 2018. - №1. - Б. 61-64
2. Эрناзаров А.М., Рахимова Б.Р., Эльмуродов Д.Т. // “Подагрин” таблетка технологиясини ишлаб чиқиш борасида тадқиқотлар // Фармацевтика журнали № 1. 2020 й. 85-89 Б.
3. Эрназаров А.М., Каримбердиев М.Ф. // “Аспар” таблетка таркибига кирувчи фаол субстанцияларнинг технологик хоссаларини ўрганиш // Фармацевтика журнали № 1. 2019 й. 82-85 Б.